

Лойиха олди ва лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш ҳақида пуррат шартномаси

2022 йил « 1 » декабр

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва ҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган "Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Андижон вилоят худудий бошқармаси унинг бошлиғи Б. Сатимбоев бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Пурратчи» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган “Нурафшон электр сервис” МЧЖ ва унинг раҳбари Д.Абдужалолов иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар

### 1. Шартноманинг мазмуни

1.1 “Пурратчи” Асака тумани Қовоқтўпи МФЙ Махалланинг Усмон чеки кўчасида 3,5 км, Қовоқ тўпи кўчасида 4,5 км, Юсуф халфа кўчасида 3,5 км ва Ватанпарвар кўчасида 2 км, жами 13,5 км ичимлик сув тизимларини қуриш обьекти лойихаолди ва лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш ва “Шахарсозлик хужжатлари экспертиза” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар хаққини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Пурратчи” “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган лойихалаш топшириқларида кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлар қурилишига лойиха – смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги ШНК1.03 01-03 қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллади.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисодий ва бошқа талаблар ишларини бажариш учун техник топшириқларда назарда тутилади.

1.4 “Пурратчи” томонидан бажариладиган ишларнинг муддати 26 кунга белгиланган.

1.5 “Пурратчи” “Буюртмачи”нинг рухсатини кутмасдан, қўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган маҳсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир. Қўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Пурратчи” зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш хисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблағлари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи хисобидан амалга оширилади.

### 2. Томонларнинг мажбуриятлари

#### 2.1 “Пурратчи”нинг мажбуриятлари:

- “Пурратчи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошланғич хужжатлар асосида ишларни бажариш;

- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишиш;

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган холларда “Буюртмачи”га ахборот жўнатиш

2.2 “Пурратчи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга хақли эмас.

#### 2.3 “Буюртмачи”нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- “Пурратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилшини назорат қилиш;

- “Пурратчи” билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини “Пурратчи”нинг розилигисиз учунчи шахсга бермаслик;

## **Шартнома бўйича ишларнинг нархи**

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиҳа ишларига ўтказилган электрон биржа танловларнинг 2022 йил “28” ноябрдаги № 193159 сонли ЛОТ га асосан танлов комиссиясининг баённомаси билан **64 000 000 (олтмиш тўрт миллион)** сўм булиб, шундан:

“Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га шартнома қийматининг **30 фоизли** миқдорида амалга ошириладиган бўнак (аванс) тўлови **19 200 000 (ўн тўқиз миллион икки юз минг)** сўмни, жорий молиялаштириладиган **70 фоизли** тўловлар **44 800 000 (қирқ тўрт миллион саккиз юз минг)** сўмни ташкил қиласди.

3.3 “Буюртмачи” “Пудратчи”дан бажарилган ишлар ҳакидаги далолатномаларни қабул килиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиҳа ишлари нархи ва муддати узил – кесил хисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

## **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топширик талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “Пудратчи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3 “Пудратчи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова килиб 3 та нусхада ҳужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва хисбот ҳужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътиrozи бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган мажбуриятлар юкланади.

4.7 Ўзаро хисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳакидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

## **5 . Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1 “Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатта узайтирилади.

5.2 “Буюртмачи” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равища тўла ёки кисман рад этганлиги, шунингдек хисоб–китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва хакозо) учун “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% хажмида пеня тулайди.

5.3 “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Пудратчи” ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % хажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 “Пудратчи” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишида олган мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % хажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нұқсонлар пайдо бўлганда “Пудратчи” уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар “Пудратчи” ўтган босқич учун ҳисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6.Агар шартнома шартларининг бузилиши енгид бўлмайдиган холатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз харакатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар керакли сифатга, техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, Пудратчи Буюртмачига етказилган зарарни тўлайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–хукукий базаси тўғрисида» ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга хақли, “Пудратчи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% микдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга хақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга хақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ҳакидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10 Агар пудратчи лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиха-смета ҳужжатларида камчилик ва нұқсонлар аниқланган тақдирда “Пудратчи” “Буюртмачи”га етказилган зарарни тулайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий–хукукий базаси тўғрисида” ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

## 6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий харакатлар ва бошка бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда оркага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса, “Пудратчи” ва “Буюртмачи” қурилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиласидар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳаклидир.

6.3 “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Пудратчи” учун «форс–мажор» ҳолатига teng ҳисобланади.

## 7. Кўшимча шартлар

7.1 “Буюртмачи” 1.1.-банда кўрсатилган объектдан ташқари, “Пудратчи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳакли эмас, “Пудратчи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси

тўгрисида» ги қонунига, хамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини З банк куни ичида хабардор қилишлари шарт.

## 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошкармасидан руйхатдан утганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий хисобланади.


8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пурратчига берилади.

8.3 Шартнома **2022** йил **31** декабрга қадар ўз кучида бўлади.

## 9. Низоларни хал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгаришиш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан кўриб чиқиласди

## 10. Томонларнинг реквизитлари

БУЮРТМАЧИ	ПУДРАТЧИ
<b>"Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси</b>	<b>“Нурафшон электр сервис” МЧЖ</b>
Андижон ш. Чинобод кўча 59 уй, Тел: 228-86-69	Андижон ш., Навоийшох 100/102 уй
ШХВ: <b>301821860034011063201110072</b>	Тел.: (+998-99) 994-93-93
СТИР: 305980724;	x/r: 2020 8000 6047 2222 9002
Андижон вилояти Газначилик бошкармаси	“Invest Finance Bank” АТ Андижон вилояти филиали
Фазна x/r: 2340 0001 00100001010	МФО: 01114
МБ ХККМ  МФО: <b>00014</b>	СТИР: 300895477
СТИР 201821860034011063201110072 Бошқарма бошлини:	Рахбар 
М.ў.	Д. Абдузалилов




  
Б. Сатимбоев



М.ў.

Рахбар



Д. Абдузалилов